

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**394 Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари учун хизмат уй-жойларини қуриш, тақсимлаш, фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ва давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари учун хизмат уй-жойлари қуриш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ–2693-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари учун хизмат уй-жойларини қуриш, тақсимлаш, фойдаланиш, сақлаб туриш ва таъмирлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларига қатъий риоя этилишини таъминласинлар, бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор берсинлар:

хизмат уй-жойларининг қатъий ҳисобини олиб бориш ва уларни оқилона тақсимлаш;

хизмат уй-жойлари массивлари ҳудудларини зарур тарзда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш;

хизмат уй-жойларидан мақсадли фойдаланилишини, шунингдек уларнинг яхлитлигини ва сақланишини таъминлаш;

хизмат уй-жойларини белгиланган муддатларда таъмирлаш;

кўрсатиладиган уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура ва Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ва давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари учун хизмат уй-жойлари қуриш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ–2693-қарорига мувофиқ қурилаётган хизмат уй-жойларини тақсимлаш, улардан фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлашни ташкил этиш тартиби тўғрисида идоравий низомларни ўн кун муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир

йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 май,
299-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 майдаги 299-сон қарорига
ИЛОВА

**Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари
учун хизмат уй-жойларини қуриш, тақсимлаш,
фойдаланиш, сақлаб туриш ва таъмирлашни ташкил
этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ва давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари учун хизмат уй-жойлари қуриш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ–2693-сон қарорига мувофиқ жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари (кейинги ўринларда раҳбарлар деб аталади) учун ушбу қарор доирасида қурилаётган (кейинги ўринларда — хизмат уй-жойлари) хизмат уй-жойларини қуриш, тақсимлаш, фойдаланиш, сақлаб туриш ва таъмирлашни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талабларини бажариш хизмат уй-жойларини қуриш, тақсимлаш, фойдаланиш, сақлаб туриш ва таъмирлаш бўйича барча иштирокчилар учун мажбурий ҳисобланади.

3. Хизмат уй-жойларини қуриш, ободонлаштириш, тақсимлаш, кўчириб киритиш, фойдаланиш, сақлаб туриш ва таъмирлашни ташкил этиш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Хизмат уй-жойларини қуриш

4. «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ хизмат уй-жойлари, шунингдек сув таъминоти, канализация тармоқлари ва уларга олиб борадиган автомобиль йўлларини қуриш буюртмачиси, «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ эса — бош лойиҳа ташкилоти ҳисобланади.

Хизмат уй-жойлари, шунингдек сув таъминоти, канализация тармоқла-

ри ва уларга олиб борадиган автомобиль йўлларини қуриш бўйича бош пудрат ташкилотлари Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудрат ташкилотларининг энг яхши таклифларини танлаш асосида, тендер савдолари ўтказилмасдан аниқланади.

«Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АК ва «Ўзбектелеком» АК тегишли равишда хизмат уй-жойларининг электр, газ таъминоти ва алоқа тармоқларини қуриш бўйича буюртмачилар ҳисобланади.

5. Хизмат уй-жойларини қуриш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ва давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари учун хизмат уй-жойлари қуриш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ–2693-сон қарори билан белгиланган манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Хизмат уй-жойларининг ташқи сув таъминоти, канализация, электр ва газ таъминоти, алоқа тармоқлари ва автомобиль йўллари тегишли равишда марказлаштирилган капитал қўйилмалар, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АК ва «Ўзбектелеком» АКнинг ўз маблағлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан барпо этилади.

7. Хизмат уй-жойларини қуриш учун қуйидаги намунавий лойиҳалар қўлланилади:

0,06 гектар ер участкасида жойлашадиган бир қаватли беш хонали уй-жойлар — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари учун;

0,04 гектар ер участкасида жойлашадиган ва ҳовлисида қўшимча бинолари бўлган икки қаватли тўрт хонали уй-жойлар — туман (шаҳар) ҳокимликлари раҳбарлари учун.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда буюртмачига хизмат уй-жойларини қуриш учун хизмат уй-жойларини олувчилар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, қўшимча иншоотлар бўлмаган ва муҳандислик-транспорт коммуникациялари билан тўлиқ таъминланган ер участкалари ажратилади.

9. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК ва «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда қурилиш-монтаж ишлари ва лойиҳа ечимларининг сифатли бажарилиши, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш, техник ва муаллифлик назоратини таъминлайди.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси хизмат уй-жойлари, шунингдек уларнинг муҳандислик-транспорт коммуникациялари қурилиши учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини тизимли асосда текширади.

3-боб. Хизмат уй-жойлари массивлари ҳудудларини ободонлаштириш

11. Хизмат уй-жойлари массивлари ҳудудларини ободонлаштириш ишлари ободонлаштириш мақсадлари учун маҳаллий бюджет параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Хизмат уй-жойлари массивлари ҳудудларини ободонлаштиришда юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия маблағларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Хизмат уй-жойлари массивлари ҳудудларини ободонлаштириш ишлари, шунингдек ваколатли органлари ва ҳудудий ташкилотлар кўмагида ҳашарлар ўтказиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

12. Туман (шаҳар)лар ҳокимликларининг ободонлаштириш бошқармалари:

хизмат уй-жойлари массивлари ҳудудларида тегишли тартибни ва мазкур Низом ва қонунчиликнинг бошқа ҳужжатлари талабларининг қатъий бажарилишини;

хизмат уй-жойлари массивлари ҳудудларидаги барча турдаги яшил экинларни суғориш, парвариш қилиш ҳамда уларни янгилашни;

хизмат уй-жойлари массивлари ҳудудларининг тоза сақланишини таъминлаши шарт.

13. Ихтисослаштирилган санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари хизмат уй-жойлари массивлари ҳудудларидан маиший чиқиндилар учун контейнерли ахлат тўплаш пунктларини ҳамда уларнинг ўз вақтида олиб кетилишини белгиланган тартибда ташкил қилади.

4-боб. Хизмат уй-жойларини фойдаланишга топшириш

14. Қурилиши якунланган хизмат уй-жойлари қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда фойдаланиш учун қабул қилинади.

Қурилиши якунланган хизмат уй-жойларини фойдаланишга қабул қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари қарорлари билан ишчи ва давлат комиссиялари ташкил этилади.

Комиссиялар таркиби шаҳарсозлик нормалари ва Қурилиши якунланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш» ШНК 3.01.04-04 қоидаларига мувофиқ тузилади.

15. Қурилиши якунланган хизмат уй-жойларини қабул қилишда аниқланган камчиликлар бош пудратчи ташкилот томонидан ўз маблағлари ҳисобидан бартараф этилади.

16. Қабул комиссияси аъзолари қурилиши якунланган хизмат уй-жойларини қабул қилишда техник шартлар, лойиҳа-смета ҳужжатлари, шунингдек шаҳарсозлик норма ва қоидаларидан четга чиқишларни аниқлашган тақдирда қабул қилиш ҳужжати аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг, белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

17. Қурилиши яқунланган хизмат уй-жойларини қабул қилиш ишлари ниҳоясига етказилгач, қабул комиссияси раиси туман (шаҳар) ҳокимига комиссиянинг қабул қилиш тўғрисидаги далолатномасини ушбу ҳужжатни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун кўриб чиқишга киритади.

18. Туман (шаҳар) ҳокими комиссиянинг қурилиши яқунланган хизмат уй-жойларини фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномасини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилади.

19. Туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиши яқунланган хизмат уй-жойларини фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан ушбу уйлارга эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатига олиш учун асос ҳисобланади.

5-боб. Хизмат уй-жойларини жиҳозлаш

20. Хизмат уй-жойлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебель, маиший техника ва бошқа хўжалик жиҳозларининг минимал рўйхатига (кейинги ўринларда минимал рўйхат деб аталади) мувофиқ жиҳозланади.

21. Хизмат уй-жойларини жиҳозлаш учун мебель, маиший техника ва бошқа хўжалик жиҳозлари жойлардаги ижро ҳокимияти органлари томонидан маҳаллий бюджет ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан минимал рўйхат асосида сотиб олинади.

22. Зарурат бўлганда минимал рўйхатга киритилмаган мебель, маиший техника ва бошқа хўжалик жиҳозлари хизмат уй-жойларида яшайдиган раҳбарлар ва уларнинг оила аъзолари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан харид қилинади.

6-боб. Хизмат уй-жойларини тақсимлаш ва эгаларига топшириш

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ва давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари учун хизмат уй-жойлари қуриш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ–2693-сон қарорининг 3-иловаси билан тасдиқланган рўйхатга киритилган жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари лавозимига кўра хизмат уй-жойларини олиш ҳуқуқига эга.

24. Хизмат уй-жойлари жойлардаги ижро ҳокимиятининг тегишли органлари биринчи раҳбарларининг қарори билан тақсимланади.

25. Қабул қилинган қарор асосида хизмат уй-жойлари баланс таъминотчиси раҳбарларга хизмат уй-жойи учун ордер беради ва бу ордер шартнома бўйича бегараз фойдаланиш учун тақдим этилган хизмат уй-жойига жойлашишда асос бўлади.

Ордер фақат ҳақиқатан бўш турган хизмат уй-жойи учун берилиши мумкин.

Ордерни олишда барча оила аъзоларининг паспортлари (туғилгани ҳақида гувоҳнома) ёки уларнинг ўрнини босадиган бошқа хужжатлари тақдим этилиши керак.

Ордер бевосита хизмат уй-жой бериладиган раҳбарга топширилади.

Уй-жойни бегараз фойдаланиш учун бериш ва берилган хизмат уй-жойига кўчиб кириш тўғрисида шартнома тузилгандан сўнг ордер баланс таъминот-чисига қатъий ҳисобда турадиган хужжат сифатида сақлаш учун топширилиши керак.

26. Хизмат уй-жойи бериладиган раҳбар баланс таъминотчиси билан уй-жойни бегараз фойдаланиш учун тақдим этиш тўғрисида шартнома тузади.

Шартномада томонларнинг ҳуқуқлари, мажбурият ва жавобгарлиги, шунингдек хизмат уй-жойини бериш, сақлаб туриш, фойдаланиш, таъмирлаш, кўчиб кириш ва қайтариш тартиби белгиланади.

27. Хизмат уй-жойлари жойлардаги ижро ҳокимиятининг тегишли органларига бириктирилади ва улар бўлинмайди, алмаштирилмайди ва хусусийлаштирилмайди.

28. Хизмат уй-жойларидан белгиланган мақсаддан ташқари фойдаланиш ёки уларни ижарага бериш тақиқланади.

7-боб. Хизмат уй-жойларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлаш

29. Хизмат уй-жойларидан фойдаланадиган раҳбарлар ва уларнинг оила аъзолари ушбу уйларни тегишли ҳолатда сақлаши шарт.

Хизмат уй-жойларининг яхши ҳолатда сақланиши учун масъулият раҳбар ва унинг оила аъзолари зиммасига юкланади.

30. Хизмат уй-жойларидан ушбу уйларда яшайдиган раҳбарлар ва уларнинг оила аъзолари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан фойдаланилади, сақланади ва таъмирланади.

31. Хизмат уй-жойларини фақат белгиланган муддатларда, айрим ҳолатларда белгиланган муддатгача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан келишган ҳолда мукамал таъмирлашга йўл қўйилади.

32. Хизмат уй-жойлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари маҳаллий бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан мукамал таъмирланади.

33. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари хизмат уй-жойларини мукамал таъмирлаш ишлари буюртмачилари ҳисобланади.

34. Ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотлардан «Сувоқова» ДУК,

«Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» ва «Ўзбектелеком» АК ташкилотлари томонидан фойдаланилади ва сақланади.

8-боб. Кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун тўловлар

35. Хизмат уй-жойларида яшайдиган раҳбарлар коммунал хизматлар билан барча коммунал хизматлар турларини жисмоний шахслар (аҳоли) учун белгиланган тарифлар бўйича кўрсатиш ҳақида шартномалар тузади.

36. Кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун тўловлар хизмат уй-жойларида яшаётган раҳбарлар ва уларнинг оила аъзолари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан, белгиланган тартибда тўланади.

Раҳбарлар ёки уларнинг оила аъзолари уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини виждонан ва ўз вақтида тўлаши ва қарз ҳосил бўлишига йўл қўймаслиги лозим.

37. Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари хизмат уй-жойларида яшайдиган раҳбарлардан уй-жой-коммунал хизматлар учун тўловларни белгиланган тартибда иш ҳақидан ушлаб қолиш шаклида қабул қилиши ва кейинчалик бу маблағларни коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳисоб-рақамига уларнинг ёзма аризасига биноан ўтказиши мумкин.

9-боб. Хизмат уй-жойларидан кўчириб чиқариш

38. Хизмат уй-жойларини раҳбарлар ва уларнинг оила аъзолари раҳбар эгаллаб турган лавозимдан бўшагач бўшатиши лозим.

39. Уй-жойни беғараз фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги шартнома ни бекор қилиш ва хизмат уй-жойидан раҳбар ва унинг оила аъзоларини кўчириб чиқариш тартиби шартнома билан белгиланади.

10-боб. Яқунловчи қондалар

40. Хизмат уй-жойларини қуриш, тақсимлаш, фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлашни ташкил этишда пайдо бўладиган келишмовчилик ва баҳслар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

41. Мазкур Низомнинг бажарилишини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда бошқа давлат органлари ўз ваколатлари доирасида назорат қилади.

42. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб беради.

Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари учун хизмат уй-жойларини қуриш, тақсимлаш, фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомага
1-ИЛОВА

Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари учун хизмат уй-жойларини қуриш, ободонлаштириш, тақсимлаш, кучириб киритиш, фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлашни ташкил этиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Ишларнинг асосий турлари	Талбирлар	Муддатлар	Масъул бажарувчилар
I босқич	Қуриш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Хизмат уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2693-сон қарорида белгиланган манбалар ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилганини ҳисобга олган ҳолда, булортмачи, бош лойиҳачи ва пудратчи ташкилот ўртасида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва хизмат уй-жойларни қуриш учун шартномалар тузиш. 3. Намунавий лойиҳаларни жой билан боғлаш ва хизмат уй-жойларини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 4. Хизмат уй-жойларини энг яхши тақлифларни танлаш асосида Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи бош ташкилотларни тендер савдолари ўтказмасдан белгилаш ҳисобга олинган ҳолда қуриш. 5. Ташқи муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмани марказлаштирилган капитал қўйилмалар, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АҚ ва «Ўзбектелеком» АҚнинг ўз маблағлари, шунингдек Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан барпо этиш. 	<p>Хизмат уй-жойларини қуриш параметрлари аниқлангандан сўнг</p> <p>Шартнома тузилгач ва биноларни лойиҳалаштиришга топширигандан сўнг</p> <p>Календарь-жадвал бўйича</p> <p>Календарь-жадвал бўйича</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари,</p> <p>«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК,</p> <p>«Қишлоқ қурилиш лойиҳа» МЧЖ,</p> <p>«Ўзтрансгаз» АҚ,</p> <p>«Ўзбекэнерго» АЖ,</p> <p>«Ўзбектелеком» АҚ,</p> <p>Молия вазирлиги,</p> <p>Иқтисодий вазирлиги,</p> <p>манфаатдор идора ва ташкилотлар</p>
II босқич	Ободонлаштириш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Хизмат уй-жойларининг бош режаларини ҳисобга олиб, уларни ободонлаштириш ишларини бажариш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. 2. Массивларни маҳаллий бюджетлар ҳисобидан ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун маблағ ажратиш. 3. Ландшафт дизайни, йўлаклар, ёритиш, яшил экнларни суғоририш ва ўтказиш тизимлари тузилишини ҳисобга олиб, массивларни ободонлаштириш ишларини амалга ошириш. 	<p>Массивлар бош режалари тасдиқлангандан сўнг</p> <p>Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг</p> <p>Календарь-жадвал бўйича</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари,</p> <p>Молия вазирлиги,</p> <p>ободонлаштириш бошқармаси,</p> <p>ихтисослаштирилган санитария жиҳатидан тозалаш</p>

Босқичлар	Ишларнинг асосий турлари	Тадбирлар	Муддатлар	Масъул бажарувчилар
		<p>4. Массивларни ободонлаштириш учун зарур ҳолатларда: юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия маблағларидан фойдаланиш; ваколатли органлар ва худудий ташкилотлар кўмағида ҳашарлар ташкил этиш.</p> <p>5. Туманлар (шаҳар) ҳокимликларининг ободонлаштириш бош-қармалари: хизмат уй-жойлари массивлари худудларида тегишли тартибни ва мазукур Низом ва қонунчиликнинг бошқа ҳужжатлари талабларининг қатъий бажарилишини; хизмат уй-жойлари массивлари худудларидаги барча турдаги яшил эканларни сугориш, парвариш қилишни таъминлайди.</p> <p>6. Ихтисослаштирилган санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари, ҳизмат уй-жойлари массивлари худудларида маиший чиқиндилар учун контейнерли ахлат тушлаш пунктларини ҳамда уларнинг ўз вақтида олиб кетилишини белгиланган тартибда ташкил қилади.</p>	<p>Зарурат бўлганда</p> <p>Фойдаланиш даврида</p> <p>Фойдаланиш даврида</p>	<p>ташкилотлари, манфаатдор идора ва ташкилотлар</p>
III босқич	Фойдаланишга топшириш	<p>1. Қурилиш якунланган ҳизмат уй-жойларини қабул қилиш комиссиясини ташкил этиш.</p> <p>2. Қурилиш якунланган ҳизмат уй-жойларини қабул қилиш комиссиясининг далолатномасини расмийлаштириш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Ҳокимларнинг қурилиш якунланган ҳизмат уй-жойларини фойдаланишга қабул қилиш туърасида қарорлар чиқариш</p> <p>4. Ҳизмат уй-жойлари кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш.</p>	<p>Қурилиш ниҳоясига етувнига қадар</p> <p>Қурилиш ниҳоясига етгач</p> <p>Қабул қилиш далолатномаси тасдиқлангандан сўнг</p> <p>Ҳокимлар қарорлари қабул қилингач</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» ХК, манфаатдор идора ва ташкилотлар</p>
IV босқич	Жиҳозлаш	<p>1. Ҳизмат уй-жойларини минимал рўйхатни ҳисобга олган ҳолда жиҳозлаш учун мебель, маиший техника ва бошқа хўжалик буюмларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш.</p> <p>2. Ҳизмат уй-жойларини минимал рўйхат бўйича жиҳозлаш учун мебель, маиший техника ва бошқа хўжалик буюмларини сотиб олиш.</p> <p>3. Зарур ҳолларда минимал рўйхатга киритилмаган мебель, маиший техника ва бошқа хўжалик буюмлари ҳизмат уй-жойларида яшайдиган раҳбарлар ва уларнинг оила аъзолари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан харид қилинади.</p>	<p>Қурилиш ниҳоясига етгач</p> <p>Қурилиш ниҳоясига етгач</p> <p>Зарурат бўлганда</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, манфаатдор идора ва ташкилотлар</p> <p>Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва уларнинг оила аъзолари</p>

Босқичлар	Ишларнинг асосий турлари	Тадбирлар	Муддатлар	Масъул бажарувчилар
V босқич	Тақсимлаш ва кўчириб киритиш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Хизмат уй-жойларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2693-сон қарорининг 3-илловаси билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ тақсимлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш. 2. Қабул қилинган қарор асосида хизмат уй-жойи учун зарур хужжатларни расмийлаштириш ва ордер бериш. 3. Раҳбарлар ва хизмат уй-жойлари билан таъминотчисин ўрта-сида ёллаш шартномасини тузиш. 4. Хизмат уй-жойларига жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва уларнинг оила аъзоларини жойлаштириш. 	<p>Хизмат уй-жойлари фойдаланишга топширилган</p> <p>Тақсимлагандан сўнг</p> <p>Тегишли хужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг</p> <p>Шартнома тузилган</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, манфаатдор идора ва ташкилотлар</p>
VI босқич	Фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлаш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Хизмат уй-жойларида яшайдиган раҳбарлар ва уларнинг оила аъзолари хизмат уй-жойлари ҳолатини тегишли равишда сақлайди. 2. Хизмат уй-жойларидан ушбу уйларда яшайдиган раҳбарлар ва уларнинг оила аъзолари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан фойдаланилади, сақланади ва таъмирланади. 3. Хизмат уй-жойларини фақат белгиланган муддатларда, айрим ҳолларда белгиланган муддатга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан келишган ҳолда мукаммал таъмирлашга йўл қўйилади. 4. Хизмат уй-жойлари маҳаллий бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан мукаммал таъмирланади. 	<p>Хизмат уй-жойларидан фойдаланиш даврида</p> <p>Белгиланган муддатларда</p> <p>Белгиланган тартибда</p>	<p>Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва уларнинг оила аъзолари</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, «Ягона буюртмачи хизмати» ХК</p>
VII босқич	Коммунал хизматлар учун тўловлар	<ol style="list-style-type: none"> 1. Хизмат уй-жойларида яшайдиган раҳбарлар коммунал хизматлар билан барча коммунал хизматлар турларини жисмоний шахслар (аҳоли) учун белгиланган тарифлар бўйича қўрсатиш ҳақида шартномалар тузади. 2. Қўрсатиладиган коммунал хизматлар учун тўловлар хизмат уй-жойларида яшаётган раҳбарлар ва уларнинг оила аъзолари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан тўланади. 	<p>Хизмат уй-жойларидан фойдаланиш даврида</p> <p>Хизмат уй-жойларидан фойдаланиш даврида</p>	<p>Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва уларнинг оила аъзолари</p>
VIII босқич	Кўчириб чиқариш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Раҳбар ва унинг оила аъзолари хизмат уй-жойини бўшагани тўғрисидаги зарур хужжатларни расмийлаштириш. 2. Эгаллаб турган лавозимдан бўшаган раҳбардан хизмат уй-жойини қабул қилиб олиш. 3. Қўрсатиладиган коммунал хизматлар учун ҳисоб-китобларни таққослаш ва қарзларни тўлаш. 	<p>Лавозимдан бўшаганда</p>	<p>Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва уларнинг оила аъзолари</p>

21 (781)-сон

— 65 —

394-395-моддалар

Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари
раҳбарлари учун хизмат уй-жойларини қуриш,
тақсимлаш, фойдаланиш, сақлаш ва
таъмирлашни ташкил этиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Хизмат уй-жойларини жиҳозлаш учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган
мебель, маиший техника ва бошқа хўжалик буюмларининг
МИНИМАЛ РЎЙХАТИ**

Т/р	Буюмлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	
			бир қаватли беш хонали уй учун	икки қаватли тўрт хонали уй учун
1.	Музлатгич	та	1	1
2.	Телевизор	та	1	1
3.	Икки кишилик қроват	та	1	1
4.	Бир кишилик каравот	та	3	2
5.	Ошхона мебели	тўплам	1	1
6.	Меҳмонхона учун стол (6 стул ва идиш-товоқлар шкафи билан)	тўплам	1	1
7.	Меҳмонхона учун юмшоқ мебель (диван ва иккита кресло)	тўплам	1	1
8.	Кийим шкафи	та	2	2